

ХІХ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ

Ўзбекистонда таълим инсон капиталини ва давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим омил ҳисобланади. Ҳукумат, таълим олиш имкониятлари ва унинг сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, таълим тизимининг барча босқичларида – мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача – изчил ислоҳ қилмоқда. Асосий саъй ҳаракатлар ўқув дастурларини модернизация қилиш, ўқитувчиларни тайёрлаш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Таълим олишда тенг имкониятларга, ҳамда турли иқтисодиёт соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлаш учун касбий тайёргарликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳадаги ислоҳотлар мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга ёрдам беради.

Ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланган.

Саводсизликка барҳам бериш ва барча фуқаролар учун арзон таълимни таъминлашда катта муваффақиятларга эришган Ўзбекистон таълимни давлат томонидан молиялаштиришнинг устунлигини сақлаб келмоқда, бу шубҳасиз ижобий омилдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим турлари куйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим ва тарбия;
- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
- профессионал таълим;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- мактабдан ташқари таълим.

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ¹

Мақтабгача таълим бола ҳаётидаги энг муҳим босқич бўлиб, у болаларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди, шахснинг шаклланишига, унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишига, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга таъсир қилади ва уларнинг келажагини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган мақтабгача таълим ташкилотлари сони (тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган мақтабгача таълим ташкилотлари, оилавий нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари сонини кўшган ҳолда, 2024 йил 1 январь ҳолатига 35 973 тани ташкил этди, бу эса 2020 йил 1 январга нисбатан 22 358 тага (яъни 2,6 баробарга) ошган.

Ҳудудлар кесимида (2024 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)




Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган мақтабгача таълим ташкилотларининг энг катта қисми Самарқанд (4 285 та), Андижон (3 991 та) ва Фарғона (3 922 та) вилоятларида кузатилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (1 025 та), Сирдарё (1 182 та) ва Навоий (1 385 та) вилоятларида қайд этилган.

¹⁾ 2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг август ойида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони ¹


(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг бирлик)



Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони ушбу соҳадаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири деб ҳисобланиб, барча кичик ёшдаги болаларга болалар боғчаларига бориш ва мактабга тайёргарлик кўриш имкониятини давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан таъминланишини акс эттиради.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сонини худудлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил 1 январь ҳолатига, минг бирлик)




2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сонининг энг катта қисми Самарқанд (342,4 мингта), Фарғона (327,6 мингта) ва Андижон (320,4 мингта) вилоятларига тўғри келган бўлса, бошқа худудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Навоий (97,1 мингта), Сирдарё (84,9 мингта) ҳамда Жиззах (125,5 мингта) вилоятларида кузатилган.

¹⁾ 2024 йил 1 январгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим
ташкилотларидаги гуруҳлар сони ¹

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, бирлик)



Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар болаларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Ушбу гуруҳлар болаларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади, бу эса уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун энг яхши шароитларни яратишга имкон беради.

Ҳудудлар кесимида
(2024 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)




2024 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида энг кўп мактабгача таълим ташкилотлари гуруҳлари Самарқанд (11 492 та), Фарғона (11 323 та) ва Андижон (11 104 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (3 024 та), Навоий (3 402 та) ҳамда Жиззах (4 412 та) вилоятларида кузатилган.

Мактабгача таълим ва тарбия – болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури.

¹⁾ 2024 йил 1 январьгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида оилавий нодавлат
мактабгача таълим ташкилотлари сони
(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 26 858 тани ташкил этган, бу эса 2020 йил 1 январга нисбатан 20 211 тага (яъни 4 баробарга) ошган.




Ҳудудлар кесимида
(2024 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)



Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг энг катта қисми Самарқанд (3 316 та), Қашқадарё (3 238 та) ва Андижон (3 212 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (98 та), Сирдарё (935 та) ҳамда Навоий (1 077 та) вилоятларига тўғри келган.


Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида 50 нафаргача болаларга мактабгача таълим ва тарбия берилишига йўл қўйилади.

**Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим
ташкилотларидаги болалар сони**
(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)



Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 2 169,5 минг кишини ташкил этган, бу эса 2020 йил 1 январга нисбатан 892,6 минг кишига (яъни 69,9 % га) ошган.


**Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2024 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)



2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сонининг энг кўп қисми Фарғона (254,8 минг киши), Самарқанд (251,1 минг киши) ва Андижон (230,7 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (57,3 та), Навоий (70,0 минг киши) ҳамда Жиззах (96,8 минг киши) вилоятларида кuzатилган.


Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони – йил охирида мактабгача таълим ташкилотлари рўйхатида турган мактабгача таълим ёшидаги болалар сони.

Ўзбекистон Республикасида 3-6 ёшдаги болаларни
мактабгача таълим билан қамраб олиниши
(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, % да)



3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши бўйича сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Жумладан, 2020 йил 1 январь ҳолатига болаларнинг 45,6 % и мактабгача таълим олиш имкониятига эга бўлган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига эса бу кўрсаткич 71,1 % гача етди. Ушбу ижобий тенденцияни болаларни эрта болалик даврида ҳар томонлама ривожланиши учун таълим стратегиялари ва дастурларини муваффақиятли амалга оширилиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин.


Худудларда 3-6 ёшдаги болаларни
мактабгача таълим билан қамраб олиниши
(2024 йил 1 январь ҳолатига, % да)



Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига 3-6 ёшдаги болаларнинг энг кўп қисми Бухоро (81,2 %), Навоий (80,6 %) ва Андижон (79,6 %) вилоятларида мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлса, бошқа худудларга нисбатан энг паст қамров Қашқадарё (56,2 %), Сурхондарё (59,8 %) ҳамда Тошкент (66,5 %) вилоятларида кузатилган.

**Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сонини
жинси бўйича тақсимланиши ¹**


(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)



2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкилотларидаги ўғил болалар сони 1 252,4 минг нафарга (бу мактабгача таълим ташкилотларидаги болаларнинг умумий сонидан 57,7 % ни ташкил этган), қиз болаларнинг сони эса 917,1 минг нафарга (42,3 %) етган.

**Ўзбекистон Республикасида 3-6 ёшдаги болаларни
мактабгача таълим билан жинси бўйича қамрови**

(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, % да)



2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, 3-6 ёшдаги қиз болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови 62,6 % ни, ўғил болаларнинг қамрови эса 78,8 % ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичларни 2020 йил 1 январь ҳолати билан солиштирганда, қиз болаларнинг қамрови – 22,7 ф.п.га, ўғилларнинг қамрови – 38,7 ф.п.га ошган.

¹⁾ 2024 йил 1 январьгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги қиз ва ўғил болалар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.


**Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим
ташкilotларидаги педагог ходимлар сони ¹**
(тегишли йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)



Мактабгача таълим ташкilotларидаги педагог ходимлар сони мактабгача таълим сифатини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Болалар боғчалари малакали мутахассислар билан таъминланиши болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш даражасига, шунингдек, таълим дастурларини самарали амалга оширишга бевосита таъсир қилади.

**Мактабгача таълим ташкilotларидаги
педагог ходимлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2024 йил 1 январь ҳолатига, минг киши)




Агар 2024 йил 1 январь ҳолатига мактабгача таълим ташкilotларидаги педагог ходимларининг энг кўп қисми Фарғона (22,7 минг киши), Андижон (17,1 минг киши) ва Самарқанд (16,9 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (4,4 минг киши), Жиззах (5,9 минг киши) ҳамда Навоий (6,4 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

¹⁾ 2024 йил 1 январгача оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкilotларидаги педагог ходимлар сони тўғрисидаги маълумотларсиз келтирилган.

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ¹

Умумий ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишига, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишига ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишига қаратилган. У умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим кундузги таълим шаклида амалга оширилиб, қуйидаги босқичлар (I – XI синфлар)дан иборатдир:



Умумий ўрта таълим ташкилотларининг қуйидаги турлари мавжуд: бошланғич мактаб (ўқитиш муддати 4 йил: I – IV синфлар), умумий ўрта таълим мактаби (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 5 йил: VII – XI синфлар), ижод мактаби (ўқитиш муддати 5 йил: VII – XI синфлар), Президент мактаби (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 7 йил: V – XI синфлар), жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), психик (интеллектуал) ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган (ёрдамчи) мактаб, мактаб-интернати (ўқитиш муддати 9 йил: I – IX синфлар), санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати (ўқитиш муддати 11 йил: I – XI синфлар), республика ихтисослаштирилган ўқув-таълим муассасаси (ўқитиш муддати заруриятга кўра).


¹⁾ Дастлабки маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
умумий ўрта таълим ташкилотлари сони
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида 2024/2025 ўқув йили бошида фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари сони 10 943 тани ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 762 тага, яъни 7,5 % га ошган.


Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, бирлик)



2024/2025 ўқув йили бошига фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотларининг энг кўп сони Самарқанд (1 135 та), Қашқадарё (1 272 та) ва Фарғона (1 080 та) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (341 та), Навоий (384 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (488 та) қайд этилган.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари – узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига давлат умумтаълими андозалари доирасида бепул умумий таълим олишнинг кафолатланган ҳукуқи ва имкониятини беради.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони**
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



2024/2025 ўқув йили бошига



2024/2025 ўқув йили бошига республикада жами 455 та нодавлат умумтаълим ташкилотлари фаолият юритган ва 2020/2021 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони 4,5 баробарга кўпайган. Энг кўп нодавлат умумтаълим ташкилотлари Тошкент шаҳри (131 та), Фарғона (93 та) ва Самарқанд (38 та) вилоятларида, энг кам кўрсаткичлар эса Сурхондарё ва Навоий вилоятлари (ҳар бир ҳудудда 4 тадан) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (7 та) қайд этилган.

**Фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари
сонини таълим турлари бўйича тақсимланиши**
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)


Бошланғич мактаб



Умумий ўртатаълим мактаби



Бошқалар



* 2024/2025 ўқув йилида 2020/2021 ўқув йилига нисбатан ўзгаришлар

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим
ташкilotларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкilotларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 6 776,3 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 488,4 минг кишига, яъни 7,8 % га ошган.

Умумий ўрта таълим ташкilotларида таҳсил олаётган ўқувчилар
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)


Самарқанд	801,5
Фарғона	721,7
Қашқадарё	682,0
Андижон	625,8
Наманган	563,2
Сурхондарё	559,9
Тошкент ш.	549,9
Тошкент	541,1
Хоразм	375,5
Қорақалпоғистон Респ.	373,7
Бухоро	342,8
Жиззах	280,0
Навоий	194,6
Сирдарё	164,6



2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкilotларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг энг юқори қисми Самарқанд (801,5 минг киши), Фарғона (721,7 минг киши) ва Қашқадарё (682,0 минг киши) вилоятларида қайд этилган ва бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (164,6 минг киши), Навоий (194,6 минг киши) ва Жиззах (280,0 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

Умумий ўрта таълим ташкilotлари ўқувчиларига ўқув йили бошида умумтаълим муассасаларининг рўйхатида турган ва бошланғич, таянч ўрта ва ўрта таълим босқичларида ўқиётган шахслар ҳамда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун мактабларнинг ўқувчилари киритилади.

Умумий ўрта таълим ташкилотларида таҳсил олаётган
ўқувчилар сонини жинси бўйича тақсимланиши
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларидаги қизлар сони 3 305,5 минг нафарни (бу умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқувчиларнинг умумий сонидан 48,8 % ни), ўғил болалар сони эса 3 470,8 минг нафарни (51,2 % ни) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат умумтаълим
ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2024/2025 ўқув йили бошига нодавлат умумтаълим ташкилотларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 112,1 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 4,2 баробарга ошган. Энг кўп ўқувчилар сони Тошкент шаҳрига (41,3 минг киши), энг ками эса Сурхондарё ва Навоий вилоятларига (ҳар бир ҳудудда 0,7 минг кишидан) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим
ташкilotларининг **IX синф** битирувчилари сони


(тегишли йил учун, минг киши)



2024 йилда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкilotларининг IX синф битирувчилари сони 520,1 минг кишини ташкил этган ва 2020 йилга нисбатан уларнинг сони 36,6 минг кишига, яъни 7,6 % га кўпайган. IX синф битирувчиларининг энг кўп қисми Самарқанд вилоятига (58,6 минг киши), энг ками эса Сирдарё вилоятига (12,6 минг киши) тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим
ташкilotларининг **XI синф** битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)




2024 йилда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкilotларининг XI синф битирувчилари сони 405,9 минг кишини ташкил этган ва 2020 йилга нисбатан уларнинг сони 48,4 минг кишига, яъни 10,7 % га камайган. XI синф битирувчиларининг энг кўп қисми Самарқанд вилоятига (48,8 минг киши), энг ками эса Сирдарё вилоятига (10,2 минг киши) тўғри келган.

**Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта таълим ташкилотларида
меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони**
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2024/2025 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони 564,9 минг кишини ташкил этган ва 2020/2021 ўқув йили бошига нисбатан 56,7 минг кишига, яъни 11,2 % га кўпайган.

**Умумий ўрта таълим ташкилотларидаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз)
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2024/2025 ўқув йили бошига, минг киши)



2024/2025 ўқув йили бошига умумий ўрта таълим ташкилотларида энг кўп ўқитувчилар сони (ўриндошларсиз) Самарқанд (64,0 минг киши), Қашқадарё (63,5 минг киши) ва Фарғона (59,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган ва бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (14,0 минг киши), Навоий (21,9 минг киши) ва Жиззах (25,5 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

Ўқитувчилар сони – ўқувчиларга таълим бериш ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахслар сони.

3-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ¹

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчилар интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.


Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган академик лицейлар сони (тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида 2023/2024 ўқув йили бошига фаолият юритаётган академик лицейлар сони 91 тани ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 6 тага, яъни 7,1 % га ошган.

Фаолият юритаётган академик лицейлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2023/2024 ўқув йили бошига, бирлик)

Тошкент ш.	27
Самарқанд	9
Қашқадарё	6
Андижон	6
Фарғона	6
Қорақалпоғистон...	5
Бухоро	5
Наманган	5
Сурхондарё	4
Тошкент	5
Хоразм	4
Жиззах	3
Навоий	3
Сирдарё	3



2023/2024 ўқув йили бошига фаолият юритаётган академик лицейларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида (27 та) жойлашган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида (ҳар бир ҳудудда 3 тадан) қайд этилган.


¹⁾ 2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг февраль ойида шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларга қабул қилинганлар сони (тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларга қабул қилинганлар сони 17,4 минг кишини ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 1,8 % га ошган.


Академик лицейларга қабул қилинганлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейларга қабул қилинганлар сонини жинси бўйича тақсимланиши (тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига




**Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда
таҳсил олаётган ўқувчилар сони**
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)





2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони 32,6 минг кишини ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 0,6 % га кўпайган.


**Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар сонининг гендер тақсимоти
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларнинг битирувчилари сони
(тегишли йил учун, минг киши)





2023 йилда Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларнинг битирувчилари сони 14,9 минг кишини ташкил этган ва 2022 йилга нисбатан 23,2 % га камайган.


Академик лицейларнинг битирувчилари
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023 йил учун, минг киши)



Академик лицейларнинг битирувчилари
сонини жинси бўйича тақсимланиши
(тегишли йил учун, минг киши)




**Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда
меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони**
(тегишли ўқув йили бошига, киши)



2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги академик лицейларда меҳнат фаолиятини юритаётган ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони 3 212 кишини ташкил этган ва ўтган ўқув йилига нисбатан 1,2 % га камайган.


**Академик лицейлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз)
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



**Академик лицейлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз)
сонини жинси бўйича тақсимланиши**
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига



4-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ¹

Профессионал таълим эгалланадиган касб ва мутахассислик бўйича бошланғич профессионал таълим, ўрта профессионал таълим, ўрта махсус профессионал таълим даражаларини ўз ичига олади.



Касб-ҳунар мактаби – халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида IX синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаси ҳисобланади.

Коллежлар – халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ҳисобланади.


¹⁾ 2024 йил учун маълумотлар *Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг февраль ойида шакллантирилади.*

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
профessional таълим муассасалари сони
(тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида 2023/2024 ўқув йили бошига ўтган ўқув йилига нисбатан фаолият юритаётган касб-ҳунар мактаблари сони 5 тага, коллежлар сони – 24 тага камайган, техникумлар сони эса 30 тага кўпайган.

Фаолият юритаётган professional таълим муассасалари
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023/2024 ўқув йили бошига, бирлик)



Техникумлар – халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус professional таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим ташкилотлари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларига
қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига




Ўзбекистон Республикасидаги коллежларга қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига




Ўзбекистон Республикасидаги техникумларга қабул қилинганлар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига



Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларида
таҳсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2023/2024 ўқув йили бошига



Ўзбекистон Республикасидаги коллежларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




2023/2024 ўқув йили бошига



Ўзбекистон Республикасидаги техникумларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




2023/2024 ўқув йили бошига




Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунар мактабларининг
битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)




2023 йил учун



Ўзбекистон Республикасидаги коллежларнинг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)




2023 йил учун



Ўзбекистон Республикасидаги техникумларнинг битирувчилари сони

(тегишли йил учун, минг киши)



2023 йил учун



Касб-ҳунар мактабларидаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)



2023/2024 ўқув йили бошига



Коллежлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)



2023/2024 ўқув йили бошига



Техникумлардаги ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони

(тегишли ўқув йили бошига, киши)




2023/2024 ўқув йили бошига



5-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ОЛИЙ ТАЪЛИМ¹

Ўзбекистон Республикасида олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб, республика қонунчилигига мувофиқ, умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим негизида, олий таълим ташкилотларида амалга оширилади.


Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони (тегишли ўқув йили бошига, бирлик)



Ўзбекистон Республикасида 2023/2024 ўқув йили бошига фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони 219 тани ташкил этган ва 2019/2020 ўқув йили бошига нисбатан 100 тага, яъни 84,0 % га кўпайган.


Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2023/2024 ўқув йили бошига, бирлик)

Тошкент ш.	95
Самарқанд	15
Бухоро	13
Тошкент	13
Фарғона	13
Қорақалпоғистон Респ.	12
Қашқадарё	11
Андижон	10
Наманган	9
Сурхондарё	8
Хоразм	8
Жиззах	5
Навоий	4
Сирдарё	3




¹⁾ 2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг март ойида шакллантирилади.

**Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларига
қабул қилинган талабалар сони**
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони 365,2 минг кишини ташкил этган ва 2019/2020 ўқув йили бошига нисбатан 227,1 минг кишига, яъни 2,6 баробарга ошган.


**Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши**
(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



**Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар
сонини жинси бўйича тақсимланиши**
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида
таҳсил олаётган талабалар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони 1 314,5 минг кишини ташкил этган ва 2019/2020 ўқув йили бошига нисбатан 873,5 минг кишига, яъни 3,0 баробарга ошган.


Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган
талабалар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган
талабалар сонини жинси бўйича тақсимланиши
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим
ташкilotларининг битирувчилари сони
(тегишли йил учун, минг киши)




2023 йилда Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкilotларининг битирувчилари сони 184,1 минг кишига етган ва 2019 йилга нисбатан 113,3 минг кишига, яъни 2,6 баробарга ошган.


Олий таълим ташкilotларининг битирувчилари
сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023 йил учун, минг киши)



Олий таълим ташкilotларининг битирувчилари
сонини жинси бўйича тақсимланиши
(тегишли йил учун, минг киши)




Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида
фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сони
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)




2023/2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ходимлар сони 45,2 минг кишидан иборат бўлган.

Олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи
ходимлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2023/2024 ўқув йили бошига, минг киши)



Олий таълим ташкилотларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи
ходимлар сонини жинси бўйича тақсимланиши
(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



Статистик кўрсаткичларга изоҳ

Таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

Давлат таълим муассасаси – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мулки бўлган мол-мулк негизда ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим берадиган муассаса.

Нодавлат таълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибда таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Давлат таълим стандартлари – давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи.

Давлат таълим талаблари – таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар.

Таълим ташкилотларида таълим олаётган ўқувчилар (талабалар) сони – умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиётган ва ўқув йили бошида рўйхатда турганлар сони.

Ўқитувчи (профессор-ўқитувчи)лар сони – ўқувчиларга таълим бериш ва касбий тарбияси билан шуғулланувчи, ўрта махсус, олий ёки махсус тайёргарликдан ўтган шахслар сони.

Таълим ташкилотларига қабул қилиш – ушбу ўқув йилида ўқишга қабул қилинганларнинг сонини кўрсатади. Қабул қилинган сонига иккинчи йил ўқиётганлар ва аввал ўқиганлар орасидан қайтиб келганлар қўшилмайди.

Таълим ташкилотларини битирганлар – таълим ташкилотларида ўқув курсини тўлиқ тугатган ва тегишли маълумот (мутахассислик)га эга бўлган шахслар сони.

3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши – мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган 3-6 ёшдаги болаларни мазкур ёшдаги аҳоли сонига нисбатини ифодалайди.